

Яшасанг дунёда яша бўлиб олим,

Жахлни тарк этиб талаб кил илм.

Лоакал олимни севгувчи бўлгин,

Мудом анинг сухбатин топгувчи бўлгин.

Хеч замон илмдан бўлмагин йирок,

Жахолат хор этиб этгуси халок.

Илм бир нурдурки ёритгай йўлинг,

Ўтса хам минг йиллар саклагай номинг.

Жон чикиб номалар ёпилгай шу он,

Меросинг гар илм манфаат хар он.

Тенг эмас ҳеч замон олиму жохил,

Бириси денгиздур бириси сохил.

Набийлар илм-ла набий бўлиптир,

Валийлар илм-ла ҳаққа етиптир.

Кай киши эргашса ҳаво нафсига,

Янглишиб тойилур юрган йўлида.

Олимни эхтиром килар малаклар,

Хаттоки гунохин сўралар наханглар.

Эй, Роббим, Насимжон сўрайди Сендин,

Бизни ҳам айлагин аҳли илмдин.

То абад илмни кўтарма биздан,

Бул сабаб бизларни чикарма издан.

Насимжон Олимов